Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обунанга 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 7 ноябрь, шанба № 220 (21 318).

ЖИЗЗАХДА ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ТАНТАНАЛАРИ

«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари Ш. Жабборов, Б. Сатторов ва республика Миллий ахборот агентлиги хабар қиладилар.

Кеча Жиззах чегараси бутун Ўзбекистоннинг туташув нуқтасига айланди. Тошкентдан йўлга тушган автобуслар карвони шу нуқтада бир неча дақиқа нафас ростлади. Ўзбекистоннинг таниқли давлат ва жамоат арбобларини Жиззах вилояти вакиллари қучоқ очиб кутиб олдилар.

Миллий либос кийган қизлар рақсига Тошкентдан келган меҳмонлар қўшилдилар. Карнай садолари, мусиқа оҳанглари Шароф Рашидов таваллуд топган тупроқда файзу тароват барқарор эканлигини ёрқин акс эттириб турарди.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг республика пойтахти — Тошкентда бошланган 75 йиллиги тантаналари 6 ноябрь куни бу ерда давом этди. Шаҳарнинг «Ўзбекистон» меҳмонхонаси рўпарасидаги Дўстлик майдони, Шароф Рашидов номидаги кўча ва боғ эрта тонгданоқ одамлар билан тўлди. Йиғилганлар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва унинг ҳамроҳларини эҳтиром билан кутиб олдилар.

Эрталаб соат 11. Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталов, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ва бошқалар Дўстлик майдонига келдилар. Шароф Рашидов бюстининг очилишига бағишланган маросим бўлди.

Меҳмонлар Шароф Рашидовнинг уй-музейига йўл оладилар. Бу ерда атоқли эл фарзандининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи минглаб нодир экспонатлар жой олган. Шундан кейин келганлар байрамга бағишлаб тикилган қозоқ, қирғиз ўтовларида меҳмон бўлдилар.

Чошгоҳда Юнус Ражабий номидаги вилоят театрида Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бошланди. Мажлисни республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мажлисда нутқ сўзлади. (Ислом Каримов нутқи газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

Тантанали мажлисда қозоғистонлик азиз меҳмон Д. Қўнаев, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов, Шароф Рашидовнинг умр йўлдоши Хурсаной ая, тожикистонлик Меҳнат Қаҳрамони А. Самадов, туркманистонлик меҳмон Р. Ғафуров ва бошқалар сўзга чиқиб, халқимизнинг оташқалб фарзанди ҳақидаги хотираларини ҳаяжон билан сўзлаб бердилар.

* * *

Жиззахдаги шодиёналарга ташриф буюрган таниқли санъаткор, республика халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов ўз таассуротларини қуйидагича изоҳлади: бу тўй Шароф Рашидовнинг номи нафақат эли-юртида, балки бутун Осиёда, ер юзидаги жуда кўп мамлакатларда меҳр билан тилга олинишини кўрсатди, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган улкан хизматларини аниқ-ёрқин ифода этди.

Шу ўринда мен жиззахликларнинг қисқа фурсатда юбилей арафасида амалга оширган хайрли ишлари ҳақида алоҳида тўхталмоқчийдим. Эски шаҳарнинг яқиндагина хароб бўлиб ётган тор кўчалари ўрнида ажойиб хиёбонлар яратилибди. Ўзга юртлардан келган меҳмонлар янгидан барпо этилган Шароф Рашидов хиёбонига кўчатлар ўтказиш шарафига муяссар бўлдилар. Рости, бир пайтлар «Уйғониш» фильмини суратга олишга келганимиздаги Жиззахни таний олмай қолдим.

— Менга Шароф Рашидов музейи, айниқса, ёқди, — деди, — Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Мажид Самадов. — Музей келажакда Жиззахнинг энг муқаддас даргоҳларидан бири бўлиб қолиши шубҳасиз. Ўз навбатида мен музейга Шароф Рашидовнинг Улуғ Ватан уруши давридаги фаолияти, «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланишига оид бир қанча тарихий ҳужжатларни бериб, уни бойитишга ҳисса қўшганлигимдан фахрланаман.

Абдулла ОРИПОВ.

ҚУЛЛУҚ!

Шароф Рашидов хотирасига

Марҳумлар ҳаётдан эрурлар йироқ,
Демакким йироқдир ҳушомаддан ҳам,
Макру найрангларни қўймайди, бироқ,
Токи ҳаёт экан Нобакор Одам.
Уларнинг турфа хил одатлари бор,
Аввал ганжларини кўмгай тупроққа.
Сўнг бирдан ўзларин ҳис этиб ночор,
Гавҳарим қайда деб тушгай титроққа.
Дунёда ҳар кимга қисмат ёр эмиш,
Кимдир тож кийгайдир, кимлардир кулоҳ.
Гуёки Алишер сизга ҳам демиш:
«Сийратинг дарвешу сувратингдир шоҳ!»
Эзгулик ниқобин юзига тортган,
Манфур бир майдонда сургандингиз от,
Кимдир ўз падарин бир пулга сотган,
Қўл—оёқ кишанда, таланган бисот.
Ўйчан кўзингизда не ғам бор эди,
Келажакмиди ё мозийнинг шони.
Ўзбекку бир эркка интизор эди,
Сизни адо қилди минг бор армони.
Шоирман, бўйнимда шеърнинг гуноҳи,
Соҳибин аврайди Салтанат маккор.
Очкўз, амалпараст кимсалар гоҳи,
Адолат менман деб топгай эътибор.
Уларнинг дастидан нотинч эл, замон,
Танимай қолурсан оқ-қорани ҳам.
Чалғитиб келганлар топганда имкон,
Ҳаттоки Темуру Бойқарони ҳам.
Одилдир—ким элни бошлаган бахтга,
Узи ўтда ёниб, йўлни очганлар.
Лекин интиларкан тож ила тахтга,
Во ажаб, кўпинча дордан қочганлар.
Қуллуқ, Шароф ота, минг бора қуллуқ,
Боқий Ўзбекистон сизга ҳам ёдгор.
Бугун у истиқлол шавқига тўлиқ,
Хизматингиз эслар такрор ва такрор.
Илоҳи ҳар кимга берсину тўзим,
Бут бўлсин Ватаннинг метин қўрғони.
Сизни қўллаб турар Ўзбегим—ўзим,
Ва, юртнинг посбони—Жасур ўғлони!
Султон бўлмасангиз, Шароф ота, гар,
Яшардингиз қалам қўлдоши бўлиб.
Покликка, вафога тимсол муқаррар,
Хурсаной аянинг йўлдоши бўлиб.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ



СУРАТДА: суҳбат пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жанубий Кореянинг етти иқлимда машҳур «ДЭУ» корпорацияси президенти Ким У Жунни қабул қилди.

— Ўзбекистон, — деди И. Каримов, — келгусида «ДЭУ» корпорацияси билан нафақат машинасозлик соҳасида, балки, у фаолият кўрсатаётган бошқа тармоқлар бўйича ҳам ҳамкорлик қилишга тайёр. «ДЭУ» корпорацияси Ўзбекистон иқтисодиётида бугун ҳам, эртага ҳам ўз ўрнига, мавқеига эга бўлади, деб умид қиламан.

Жаноб Ким У Жун ўз навбатида. «ДЭУ» корпорацияси Асака шаҳрида қурилаётган енгил автомобилсозлик заводидан ташқари Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам кичик автобуслар, кондиционерлар ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар, техник хизмат кўрсатиш станциялари ҳамда телекоммуникация иншоотлари, бизнес маркази қуриш ниятида эканини айтди.

Бунинг эвазига Ўзбекистон томони Жанубий Кореяга минерал ўғитлар ва пахта каби маҳсулотлар етказиб бериши мумкинлиги айтилди. Тегишли вазирлик ва муассасалар раҳбарларига мазкур таклифларни тезроқ амалга ошириш учун барча зарурий чораларни кўриш вазифаси юклатилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг муовини Б. Ҳамидов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа бир қанча вазирлик ва муассасалар раҳбарлари иштирок этишди.

(ЎзА).

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИ БЕРИЛДИ

Аму-Бухор канали ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан буён Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларини сувга сероб қилмоқда. Зарафшон воҳаси бўйлаб юзлаб километрга чўзилган бу обиҳаёт иншоотининг қурилиши Шароф Рашидов номи билан боғланган.

Бухоро вилояти ҳокимлиги сув хўжаликлари ва ирригация ташкилоти меҳнат жамоаларининг илтимосини инобатга олиб, каналга Шароф Рашидов номини беришга қарор қилди. Аму-Бухоро канали бошланадиган Олот туманидаги «Ҳамза» насос станциясида шу муносабат билан йиғилиш бўлиб ўтди. Бу ерда Шароф Рашидов сиймоси туширилган хотира лавҳаси ўрнатилди.

Тантанали маросимда Бухоро вилояти ҳокими Д. Ёдгоров нутқ сўзлади.

И. САФАРОВ, ЎзА мухбири.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўз миллий иқтисодиётимизни тиклаб олишда бизга қўшни бўлган давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш катта аҳамиятга эга. Мамлакатимизда бу борада кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ва Туркманистон республикалари ўртасида 1993 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида имзоланган битимни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Битимни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг муовини Қ. Ҳаққулов ва Туркманистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг муовини Ж. Бобоқулиев имзолади.

(ЎзА).

КОМБИНАТ ИШГА ТУШДИ

Республика аҳолисини ун билан таъминлашни яхшилаш мақсадида зарур тадбирлар амалга оширилмоқда. Тахиатош, Нукус ун комбинатлари уч сменада ишлаб турибди.

Нукус шаҳар Қизкетган шаҳарчасида қурилаётган суткасига 130 тонна ун ишлаб чиқарадиган комбинат битказилиб, фойдаланишга топширилди. Лойиҳа-сметаси 45 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини 166-қурилиш трести ва Тошкентдаги ихтисослаштирилган бошқарма жамоаси бажарди. Комбинат Швейцариядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда ҳамма ишлар автоматлаштирилган. Тайёрланаётган ун жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган стандарт даражасида чиқарилмоқда.

Шу йилнинг охирига бориб Қўнғирот шаҳрида ҳам суткасига 130 тонна маҳсулот чиқарадиган ун комбинати фойдаланишга топширилади. Шундай қилиб Қорақалпоғистонда аҳолининг унга бўлган талаби деярли қондирилади.

Нукус ун комбинати ишга туширилиши муносабати билан бу ерда митинг бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси У. Аширбеков ўртоқлар қурувчилар, инженер-техниклар ва республика ғалла маҳсулотлари тайёрловчи ходимларни табрикладилар, ишларида муваффақиятлар тиладилар.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСИБ ТУҲФА

Бугун мирзачўллик пахтакорларнинг, механизаторлар ва соҳибкору чорвадорларнинг меҳнат шижоатлари ўзгача. Улар юртимиз отаси, Мирзачўлнинг боғу бўстонга айланишида алоҳида фидойилик кўрсатган Шароф Рашидовнинг 75 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга азм-қарор этишганди. Улар бугун ўз ваъдалари устидан чиқишди. Она-Ватан «оқ олтин» хирмонига ўзларининг 7265 тонналик ҳосилари билан мўъжазгина ҳисса қўшган «Янги дала» давлат хўжалиги миришкорлари ғалаба рапортига имзо чекдилар.

Тайёрланган пахтанинг 98 фоизи асосан «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Хўжалик миришкорлари жумҳуриятимизнинг асл фарзанди Шароф Рашидов таваллудига 75 йил тўлган кунга қадар йиллик режани адо этишга аҳд қилишганди. Бугун лабзиҳалол хўжалик деҳқонлари ҳар гектар ердан кўзда тутилганидан анча зиёд — 27 центнердан ҳосил кўтариб, ўз сўзлари устидан чиқишди.

Эришилган бу меҳнат ғалабасига илғор механизаторлар, кўпминг килограммчи теримчилар ва фидоий ижарачилар алоҳида ҳисса қўшдилар. Мавжуд имкониятларни, чамалаб кўрган «Янги дала» давлат хўжалиги пахтакорлари яна минг тонна «оқ олтин» териб беришга аҳд қилишди.

(Ўз мухбиримиз).

* * *

Қоракўл райони пахтакорлари йиллик режани ортиғи билан бажаришди. «Оқ олтин» хирмони ҳозиргача 38,5 минг тоннадан ошиб кетди. Ҳосилнинг 70 фоиздан зиёди юқори навларга топширилди. Эндиликда қоракўллик заршунослар ялпи хирмонни 42 минг 800 тоннага етказиш учун йиғим-теримни янада авж олдиришмоқда.

Н. НАИМОВ.

СУРЪАТНИ СУСАЙТИРМАЙ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА АЙНИ КУНЛАРДА ЕТИШТИРИЛГАН ҲОСИЛНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА. ҲАММА ВИЛОЯТЛАРДА ОБ-ҲАВОНИНГ АВЗОЙИ БУЗИЛМАСДАН ТЕРИМНИ ЖАДАЛЛАШТИРИБ РЕЖА САРИ КУН САЙИН ЯҚИНЛАШИБ КЕЛМОҚДАЛАР.

«Оқолтин» туманидаги Абдулҳай Тоиров номли давлат хўжалиги пахтакорлари кунлик суръатни сусайтирмасдан, кунига йиллик режанинг 4—5 фоиз даражасида пахта топширмоқдалар. Хўжаликда мавжуд терим машиналаридан тўла унум билан фойдаланилмоқда. Хўжаликдаги биринчи йириклаштирилган бригада бошлиғи Абдураҳим Алиқулов 320 гектар пахта майдонидан 20 центнер ўрнига 25 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. Яқинда бригада аъзолари режани бажардилар ва яна режадан ташқари 259 тонна пахта теришмоқди.

СУРАТДА: йириклаштирилган бригада бошлиғи Абдураҳим Алиқулов, механизатор Фармон Серкабоев, хўжалик раҳбари Жўрақўл Тўхтаев ва механизатор Бахтиёр Холмирзаев.

Б. ТЎРАЕВ олган сурат.

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 6 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан бери, тўртинчи устун — мавсум бошидан бери машинада терилган пахта.

Бухоро	1,05	94,73	33,49
Қашқадарё	1,37	93,34	89,55
Наманган	1,25	90,28	60,41
Фарғона	0,87	89,72	45,93
Андижон	0,93	88,57	58,80
Сурхондарё	1,27	79,44	61,20
Тошкент	1,20	78,04	67,59
Хоразм	0,67	77,88	32,20
Навоий	1,52	75,96	51,68
Қорақалпоғистон Республикаси	1,19	71,83	53,44
Сирдарё	1,20	71,53	70,40
Жиззах	1,34	67,16	75,34
Самарқанд	1,33	58,93	38,67
Республика бўйича	1,16	80,89	61,04
1991 йилдагиси	0,24	103,15	103,46

РЕЖА УДДАЛАНДИ, ДАРОМАД МЎМАЙ

— Йил бошида «Оҳжар» пахта тайёрлаш пунктини хўжалигимиз ҳисобига ўтказгандик, — дейди Данғара туманидаги «Сирдарё» давлат хўжалиги директори Берди Бегматов,— сир эмас, илгари хўжаликлар терилган пахтани бир амаллаб пунктга ўтказиб олсалар бас эди. Пахта сифати масаласи эса икки ўртадаги анча-мунча талаш-тортишувларга сабаб бўларди. Биз мавсум бошидан далаларимизда етиштирилган ҳосилни ўз пунктимизда ғарамлай бошладик. Лаборантлар ҳам ўзимиздан. Пахтадан иложи борича тоза, сифатини яхшилаб буйтларга босишда ўзимизникилар кўз-қулоқ. Натижа ёмон бўлмади.

Дарҳақиқат, сокин Сирдарё соҳилларида деҳқончилик қилаётган «Сирдарё» давлат хўжалиги меҳнаткашлари бу йил ҳам вилоятда биринчилардан бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини ортиғи билан бажардилар. 2740 гектар ерга экилган пахтанинг ҳар гектаридан қарийб 30 центнердан ҳосил яратилиб, 8 минг тонналик хирмон тайёрланди. Хўжаликда ҳосилни йиғиб-териб олишда терим агрегатларидан омилкорлик билан фойдаланилди. 49 та терим машинасининг ҳар бири ўртача 1100 тоннадан пахта терди. Етиштирилган ҳосилнинг 70 фоизи машиналар ёрдамида йиғиб олинди. Бу соҳадаги режа 150 фоиз бажарилди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг пахтанинг харид нархини ошириш ҳақидаги Фармони ишчиларимиз қучига куч қўшди, — деди хўжалик раҳбари. — Ўзингиз ўйлаб кўринг, бу йил биз 9 минг тонна ҳосил йиғиб оламиз. Янги харид нархлари бўйича оладиган даромадимиз 280—300 миллион сўм атрофида бўлади. Хўжалигимизда эса 4 минг нафар ишчи ишлайди. Уларнинг йиллик даромадини ҳисоблаб кўринг...

Ҳали хўжалик далаларида ҳосил кўп. Хўжалик аъзолари билан суҳбатларда улар «Ўзбекистон овози» газетасини севиб ўқишларини таъкидладилар. Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти эса бизга ҳозирғача хўжалиннинг 250 нафар аъзоси «Ўзбекистон овози»га обуна бўлганликларини маълум қилди.

А. ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ!

Қашқадарё вилоятининг қадимий номи тикланган Касби (собиқ Ульянов) райони заршунослари йиллик пахта тайёрлаш режасини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Қабул пунктларига 58 минг 300 тонна ўрнига 59 минг тоннадан зиёд юқори сифатли «оқ олтин» топширилди. Ҳосилнинг 42 минг тоннадан кўпроғи «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

Қўлга киритилган муваффақиятга Шароф Рашидов номли, «Қашқадарё», «Ғалаба», Темир Малик номли, «Москва», «Пахтакор», Алишер Навоий номли, Ҳамза Хўжақулов номли давлат хўжаликларининг пахтакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

М. КАРОМОВ.

* * *

Шеробод ва Жарқўрғон районлари пахтакорлари пахта тайёрлаш режасини бажардилар. Шерободда 54 минг, Жарқўрғонда 34 минг тонналик хирмон ғолди.

О. УСАНОВ.

* * *

Фориш районидаги «Туркистон» давлат хўжалиги жамоаси қўрқ Жиззах вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажаришга муваффақ бўлди.

Давлат қабул жойларига 2400 тоннадан зиёд пахта топширилди. Ҳосилнинг ҳаммаси терим машиналарида йиғиштириб олинди. Бугунга келиб ҳар бир агрегат билан терилган пахта 100 тоннадан зиёдни ташкил этаяпти. Сафарбек Аҳмедов, Холдор Ҳайдаров, Аҳмад Налибоев сингари механизаторлар эса 120—140 тоннадан пахта тердилар.

С. БАҲРИДДИНОВ.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

АЛ-ХОРАЗМИЙ ВА ОГАҲИЙ НОМИДАГИ МУКОФОТЛАР

Хоразм ҳокими қарорига биноан воҳанинг буюк алломалари математика фани асосчиси Муҳаммад Мусо Ал-Хоразмий (783—850) ҳамда дунёвий адабиётнинг йирик намояндаси Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809—1874) номли вилоят мукофотлари таъсис этилди. Илм-фан соҳасида самарали илмий-амалий ишлар қилган олимлар Ал-Хоразмий номидаги, маданият, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаларида фаолият кўрсатиб, эл тақсинига сазовор асарлар яратган ижодкорлар эса Огаҳий номидаги мукофотнинг совриндори бўлишади.

Ҳар қайсиси 50 минг сўмлик бу мукофотлар махсус комиссия тавсиясига биноан ҳар йили бир марта — республиканинг Мустақиллик байрами арафасида тақдим этилади.

Э. МАДРАҲИМОВ.

ЙЎЛОВЧИГА ҚУЛАЙЛИК

Нукус райони маркази Оқмангитда соатига 50 киши қабул қиладиган ва жўнатадиган автовокзал ишга туширилди. Унда болалар хонаси, ҳайдовчилар дам оладиган хоналар бор. Ошхона, буфет ишлаб турибди. Лойиҳа-сметаси 1.200 минг сўмлик автовокзал қурилишини «Ороллсувқурилиши» бирлашмасига қарашли кўчма механизациялашган колонна қурувчилари муддатидан олдин фойдаланишга топширдилар.

Е. РАИМБОЕВ.

ПАРТИЯНИ ШАРАФЛАБ

Боёвут районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида ЎзХДП ташкил топган кунининг бир йиллигига бағишланган умумий йиғилиш ва сайл ўтказилди. Унда мингга яқин киши қатнашди ва чинакамига жамоа меҳнат аҳлининг катта байрамига айланиб кетди. Партия аъзолари, жамоа меҳнат аҳлини ХДПнинг бир йиллик байрами билан хўжалик раҳбари С. Раҳмонқулов, Боёвут райони ҳокими Ғ. Алиев, ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Усмонов ва бошқа ўртоқлар қизғин табрикладилар. Хўжалик партия ташкилоти котиби К. Шарофбоев 300 нафар партиянинг фахрийлари ва фаол аъзоларининг ҳар бирига минг сўмдан пул мукофоти топширди.

А. УМАРОВ.

САНЪАТ УСТАЛАРИ ВА ЁШ ИЖРОЧИЛАР ЭҲТИРОМИ

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Тошкент меъморчилигининг гултожиси бўлган Халқлар дўстлиги саройи бунёд бўлишида атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов меъморлар ва қурувчиларнинг катта кучларини бир мақсадга қовуштира олган эди. Кеча муҳташам кошона ўзининг эшикларини минг-минглаб томошабинлар учун кенг очди. Бу ерда Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган хайрия концерти бўлди.

Хайрия концертида «Ўзбекистон овози» газетасининг бош редактори, Шароф Рашидов номли фонд бошқаруви раисининг ўринбосари Шароф Убайдуллаев янги ташкил этилган фонд самарали ишлар олиб бораётганлиги ҳақида гапириб берди ва барча томошабинларни файзли тўй билан самимий муборакбод этди.

Шоир Муҳаммад Юсуфнинг «Нотинч руҳ» деган шеъри муаллиф томонидан ҳаяжон билан ўқилганда шеърият муҳлислари уни мамнунлик билан кутиб олдилар.

Концертда Ўзбекистон халқ артистлари Олмахон Ҳайитова, Муножат Йўлчиева, Ортиқ Отажонов, Ғуломжон Ёқубов, Аҳмаджон Шукуров, Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Нуриддин Ҳайдаров, Маҳмуджон Азимов, ака-ука Ваҳобовлар, Мансур Тошматов, Гулмира Ширинова, санъаткорлардан Ғиёс Бойтоев, Охунжон Мадалиев, қизиқчилардан Обид Асомов, Мирза Холмедов, Ботир Муҳаммадхўжаев ва бир қатор етук санъат термалари, Акмал Икромов районидаги «Ором» болалар боғчасининг қизалоқлари оромбахш қўшиқлари ва рақслари билан томошабинларга бир олам завқ-бахш этишди.

А. ПЎЛАТОВ.

ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРИБ

Наманган вилоят ҳокимлигида таниқли ёзувчи, давлат ва жамоат арбоби Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят, район, шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, йирик ташкилот, корхона, муассаса ва хўжалик раҳбарлари иштирок этдилар. Йиғилишда вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев Ш. Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти, Фарғона водийси, жумладан Наманган вилояти билан боғлиқ ҳайрли ишлари ҳақида маъруза қилди. Вилоятда Ш. Рашидов ташаббуси билан кўплаб шаҳар ва қишлоқлар, корхона ва муассасалар бунёд этилди. Буюк инсон юбилейи олдидан вилоятда кўплаб тадбирлар бўлиб ўтди. Уларда Ш. Рашидовнинг эзгу ишлари ёдга олинди. Вилоятнинг бир қатор корхона, хўжалик, мактаб ва кўчаларига Ш. Рашидов номи берилди.

Йиғилишда Ш. Рашидовни бевосита таниган, суҳбатдош бўлган кишилар — «Зарбдор» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, республика колхозлар кенгаши раиси Ҳ. Мамажонов, Наманган давлат университети доценти А. Халилбеков, Косонсой район фахрийлар кенгаши раиси, меҳнат қаҳрамони М. Бобохонов ва бошқалар ўз хотиралари ва таассуротлари билан ўртоқлашдилар. Улар Ш. Рашидовнинг инсонийлиги, халқпарварлиги, ташкилотчилик қобилияти ва бошқа фазилатлари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Наманганликлар ардоқли инсон Шароф Рашидовга яна бир бор ҳурмат ва эҳтиром бажо келтирдилар.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УМРБОҚИЙЛИК

Шароф Рашидовнинг ҳаётдан кўз юмганларига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо шу қисқа давр: «Шароф Рашидов эл юрагида яшаб қолишга ҳақлими?», деган саволга аниқ жавоб берди. Ҳар қанча гаплар гапирилмасин, халқ бу фарзандини қадрлайди, номини эъзозлайди. Аксинча, марҳумнинг хотирасига тош отган мунофиқлардан бутун эл нафратланади.

Шароф Рашидов номи тилга олинаётганда «Атоқли давлат арбоби» деган сифат ишлатиляпти. Менимча, бу жуда тўғри таъриф. Чиндан ҳам бундай кишилар кенг кўламли масалаларни зўр идрок билан тўғри ҳал эта оладиган, фақат бугунги кунни эмас, истиқболни ҳам кўра оладиган шахс бўладилар. Ҳозир қайси соҳа вакиллари билан суҳбатлашманг, «Шароф Рашидов бизнинг соҳани яхши билардилар, келажаги учун қайғурардилар», дейишади. Шароф Рашидов меъмор бўлиб, кимёгарлар билан кимёгар бўлиб, энергетиклар билан энергетик бўлиб суҳбатлашишни билардилар.

Сўзим баландпарвоз бўлмаслиги учун у киши ёзган бадиий асарлардан мисол келтирай. Шароф Рашидов романларида жуда кўп соҳа вакиллари аниқ, ишонарли тасвирланган. Хусусан, «Қудратли тўлқин» романида биз, энергетиклар ҳам ўхшатиб тасвирланганмиз.

Ҳозир Ўзбекистон Республикасининг энг узоқ қишлоқларига ҳам электр нури етиб борган. Бугунги иқтисодий қийин шароитда ҳам саноат, халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари электр энергияси билан узлуксиз таъминланиб турган экан, бунга бир томондан, республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг тутаётган йўли ва ҳукуматимиз раҳбариятининг иш юритишдаги тўғри сиёсати сабаб бўлса, иккинчи томондан республика энергетикаси пойдеворининг мустаҳкам қўйилганида деб биламан.

Мен кейинги йилларда қурилган электр станцияларининг тарихидан воқифман. Сирдарё, ГРЭСи, Чорвоқ ГЭСи, Навоий, Тошкент ГРЭСларининг лойиҳа ишларидан тортиб, биринчи ғишти қўйилиши ва улар ишга туширилиши Шароф Рашидовнинг иштироки билан бўлган.

Шароф Рашидович кенг фикр юритувчи, зийрак, маданиятли киши эдилар. Лойиҳалар муҳокамасида ёки қурилиш майдонларида бўлган вақтларидаги мулоҳазаларида у кишининг мана шу хислатлари алоҳида намоён бўларди.

Сир эмас, олдинги пайтда маблағдан тортиб, зарур асбоб-ускуналар тақсимотигача Москва рухсати билан ҳал этиларди. Мана шу масалаларни ижобий ҳал қилишда Шароф Рашидович бевосита ўзлари ёрдам қилардилар. Бу қурилиш халқ учун зарурми, демак уни қуриш барчанинг бурчи, қабилида иш юритишга амал қилардилар.

Мен бир қанча муддат Марказий Комитетда Шароф ака қўл остиларида хизмат қилиб, у кишининг ёшларга бўлган муҳаббатларини ҳам кўрганман. Шароф ака ёшларга меҳрибон, аммо талабчан ҳам эдилар. Ёшлардан билим ва тажрибани муттасил ошириб боришни, ўқиб-ўрганишни, софдил ва масъулиятли бўлишни қаттиқ талаб қилардилар. Буларнинг ҳаммаси шахсий тартиб ва умуминтизом билан боғланган эди.

Бугунги кунда яқин тарихга назар ташлар эканмиз, Ўзбекистонни электрлаштиришда, халқ хўжалигини электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш жабҳаларида халқимизнинг доно фарзанди Шароф Рашидовнинг хизматлари бениҳоя катта эканига гувоҳ бўламиз. Бу — умрбоқийлик ифодаси, албатта.

Марат ТОШПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазири.

Ш. Рашидов юбилейини ўтказиш ташкилот комитетига

Тарихий юбилей — буюк ўзбек давлат арбоби ва ёзувчиси Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан Ҳиндистон халқи ва элчихонаси номидан қизғин қутловларимизни қабул қилгайсиз.

Шароф Рашидов Ўзбекистонни ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшди. Унинг куч-ғайрати туфайли бу ўлка бутун дунёга танилди. Унинг асарлари жаҳоннинг кўп тилларига, шу жумладан ҳинд ва урду тилларига таржима қилинган, машҳур «Кашмир қўшиғи» китобини эса менинг миллионлаб ватандошларим ўқиган.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга Ш. Рашидов қўшган ҳисса ҳаммага маълум. Мустақил Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Жавоҳарлаъл Неру Ўзбекистонга биринчи ташрифидан кейин Ш. Рашидов билан учрашувлари ҳақида самимият билан гапирган эди.

Ш. Рашидов 1975 йилнинг февраль ойида Ҳиндистонга қилган ташрифи чоғида мамлакатимизни қўллаб-қувватлаган эди. Ҳиндистон аҳли бу мададни яхши эслайди ва фахр билан хотирлайди. Ш. Рашидов Ҳиндистон Бош вазири Индира Ганди хоним билан учрашган чоғида иккала томон икки қардош халқ ўртасидаги дўстликка садоқатли эканини изҳор этган эди. Ш. Рашидов 1966 йилда Тошкентда бошланган жараён 1972 йилда Симла шаҳрида битим имзоланиши билан якунланишида Индира Гандининг хизматига юксак баҳо берган эди. Мазкур битим шарофати билан то ҳозирги кунгача минтақамизда тинчлик барқарор бўлиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ҳиндистон халқи ва элчихонаси номидан Ш. Рашидов оиласига, шу кунларда Ўзбекистоннинг абадий барҳаёт фарзанди юбилейини байрам қилаётган Ўзбекистон халқига эзгу истакларимни изҳор этаман.

Ҳурмат билан.

Ашок МУКЕРЖИ,
Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги мухтор вакили. 1992 йил 4 ноябрь.

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ПАРТИЯ ҚАДДИНИ ТИКЛАМОҚДА

Коммунистик партиянинг тадбирлари тантанали нишонланар эди. Шу нарса расм бўлиб қолган эди. Ҳатто партиянинг кичкинагина ҳужжати ҳам тантанали суратда ўрганилар эди. Бироқ ҳаёт деганлари фақат тантаналардан иборат эмас экан. Бу гап табиийки, партия ҳаётига ҳам тааллуқли экан.

Ўзини Ўзбекистон Коммунистик партияси вориси деб эълон қилган Ўзбекистон ХДП, хусусан унинг вилоятимиздаги кенгаши ишлари ҳам даставвал осон кўчгандай бўлди. Партия тузилган пайтдаёқ 20 мингдан зиёд киши партия аъзолигига ўтишга ариза ёзди. Ташкилий масалалар бошдан силлиқ ҳал этилди. Хатто ишларимиз ҳамишадагидек тантанали суратда давом этаверади, деган хаёлларга борганлар бўлди.

Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа. Шу бир йил айтиш мумкинки, кўплар учун — оддий партия аъзосидан тортиб, айрим раҳбарлар учун ҳам синов даври бўлди. Тўғрисини айтиш керак, партия сафидан чиқаман, деганлар, партия ишидан ўзини четга олганлар, партия ташкилоти иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган кезлар бўлди. Лекин партиямиз яшамоқда. Айтиш керакки, сафлари мустаҳкамланиб бормоқда. Аъзолик бадали партиямиз харажатларининг 35 фоизини қоплайди. Коммунистик партияда мерос бўлиб қолган мулкни сотиш билан партиянинг хазинасини бойитиб бўлмаслигига кўзимиз етди. Биз юз гектар ерда пахта, 30 гектардан ошиқ майдонда сабзавот етиштирдик. Балиқчилик хўжалигини ташкил этдик. «Фан» илмий-марказ фирмасини очдик. Бу тадбирларимиз партиянинг иқтисодий аҳволини яхшилашга хизмат қилади. Айни пайтда сиёсий ва маънавий жиҳатдан мавқеимизни мустаҳкамлаш учун меҳнат қиляпмиз. Ангор, Музрабод, Жарқўрғон, Қизириқ районлари кенгашлари фаоллари ва партия аъзолари шу жиҳатдан ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олдилар.

Афсуски, фаолларимиз ўртасида ҳали ҳам ишга эътиборсиз қарайдиган, лавозимдор одамнинг оғзига қараб ўтирадиган, кунининг ўтарини кўзлайдиганлар йўқ эмас. Ўшандай кишиларга намуна бўлаётган, одамларни изидан эргаштира биладиган фаолларимиз борлиги, тушкунликка тушмасдан ишлаётгани бизга таскин беради. Шундай фаолларимиздан бири Термиз районидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги партия ташкилотининг котиби Б. Шерназаровдир. Хўжаликнинг одамлари бугунги танглик шароитида танг аҳволга тушиб қолганлари йўқ. Хўжалик ўзини-ўзи эпламоқда. Чунки одамлар шубҳа, турли миш-миш гапларни йиғиштириб қўйиб меҳнат қилмоқдалар. Хўжаликдаги ўзаро тотувлик, ишчанлик кайфиятининг, адолатнинг устиворлигида партия ташкилотининг катта хизмати бор. Одамлар хизматни билади, хизмат қилганни ҳурмат қилади, элнинг хизматидан қочмайдиганларнинг изидан эргашади.

Мақсадимиз шуки, элнинг хизматидан қочмаслик. Унинг ташвишларини енгиллаштиришга кўмаклашиш, ташвиқот-тарғиботимиз, бор амалий ишларимиз бундан кейин шу принципга асосланади. Биз ҳозир ғоявий мустаҳкамланиш йўлига тушиб олдик. Бу нарса кундалик ишларимизда нишона бера бошлади.

Ш. ЮНУСОВ,
ЎзХДП Сурхондарё вилояти кенгаши котиби.

ИШОНЧ — ОЛИЙ МУКОФОТ

1991 йилнинг октябрь ойида А. Навоий номи билан юритилувчи бизнинг маҳалла қўмитамизда ҳудудий партия ташкилоти тузилганди. Таъсис йиғилишида Ўзбекистон Халқ демократик партиясига мен қатори аъзо бўлишга қарор қилган сафдошларимга назар ташладим. Улар орасида маҳаллалар зиёлилари Қ. Тўрақулов, Ҳ. Раҳмонов сингари халқ орасида обрўси бор уруш ва меҳнат фахрийлари, мактабдош ҳамкасбларим, кекса партия аъзоларидан Ҳ. Ёдгорова сингари маърифатли онахонларимиз бор. Ҳудудий партия ташкилотимизга 12 нафар партия аъзоси бирлашди ва мени ишонч билан партия ташкилоти котиби этиб сайлашди.

Ўша йиғилишдан буён бир йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Бугун бизнинг сафимиз ошди. Партия ташкилотимиз ҳисобида 24 нафар Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси бор. Биз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қиляпмиз. Маҳалламизнинг партиявий ишларида фаол қатнашиб, аҳоли ўртасида эътибор топяпмиз. Ташкилотимизда ёш партия аъзолари ўртасида ва партияга ўтиш истагини билдираётганлар орасида ташвиқот ва тушунтириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Партиялилар уюшқоқлиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Президенти, ЎзХДП Раиси И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби муҳокамалари, партиявий нашрларимиз «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» рўзномаларига обуна қизғин кетаётган шу кунларда кўзга яққол ташланмоқда. Маҳалла ҳудудида жойлашган Охунбобоев номли 29-ўрта мактаб, маҳалла қўмитасининг ўзида ўтган суҳбатларда унинг қатнашчилари И. А. Каримовнинг мазкур рисоласи қиймати жиҳатидан партиявий дастуримизга тенг қўлланма эканлигини ва уни «истиқлол дорилфунуни» сифатида қабул қилиш лозимлигини алоҳида таъкидлашди.

Шунингдек, мустақил жумҳуриятимизнинг ўз Конституциясига эга бўлиши ҳар бир партия аъзоси учун қувончли воқеа. Лойиҳа маҳалла қўмитаси партия ташкилотининг котиби Б. Шерназаровдир. Ҳўжаликнинг одамлари бугунги танглик шароитида танг аҳволга тушиб қолганлари йўқ. Ҳўжалик ўзини-ўзи эпламоқда. Чунки одамлар шубҳа, турли миш-миш гапларни йиғиштириб қўйиб меҳнат қилмоқдалар. Ҳўжаликдаги ўзаро тотувлик, ишчанлик кайфиятининг, адолатнинг устиворлигида партия ташкилотининг катта хизмати бор. Одамлар хизматни билади, хизмат қилганни ҳурмат қилади, элнинг хизматидан қочмайдиганларнинг изидан эргашади.

Мақсадимиз шуки, элнинг хизматидан қочмаслик. Унинг ташвишларини енгиллаштиришга кўмаклашиш, ташвиқот-тарғиботимиз, бор амалий ишларимиз бундан кейин шу принципга асосланади. Биз ҳозир ғоявий мустаҳкамланиш йўлига тушиб олдик. Бу нарса кундалик ишларимизда нишона бера бошлади.

Ш. ЮНУСОВ,
ЎзХДП Сурхондарё вилояти кенгаши котиби.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ЭЪЗОЗИ

Қўриқ Сирдарё вилояти меҳнаткашлари таниқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини кенг нишонладилар. Қўриқдаги Шароф Рашидов районида 5 ноябрь куни ана шу санага бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

Эрталабдан район маркази — Пахтаобод қўрғони байрам тусини олди. Янги ташкил этилган Ш. Рашидов хиёбонига вилоятнинг барча шаҳар ва районларидан, қўшни Жиззах вилояти, шунингдек Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон республикаларидан меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллиги ҳамда унга ўрнатилган ҳайкалнинг очилиши маросимига бағишланган митингда сўзга чиққан вилоят ҳокими Б. Маҳмудов халқимизнинг севикли фарзанди Шароф Рашидовнинг Мирзачўл қўриғини ўзлаштиришдаги жуда катта хизматлари Сирдарё вилоятини иқтисодий, маданий ривожлантириш йўлида олиб борган катта ишлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Сўнгра вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси И. Кўчқоров, райондаги Шароф Рашидов номли давлат хўжалиги бўлим бошқарувчиси Э. Ботиров, қўшни Чимкент вилоятидаги Пахтаорол райони ҳокими Қ. Тўлабоев, Ленинобод вилоятининг Зафаробод райони ҳокими Г. Аслиддинов, Сирдарё вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси О. Абдишоҳидов, Жиззах вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси З. Санақулов, кекса чўлқуварлардан С. Усмонов, И. Юсупов ўртоқлар сўзга чиқишиб, ўз қалб сўзларини изҳор этдилар.

Шундан сўнг карнай-сурнай садолари остида ҳайкал устидаги чойшаб туширилади. Таниқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидовнинг бир қўлида китоб ушлаб, чўл кенгликлари узра нигоҳ ташлаб турган улуғвор қиёфаси намоён бўлади.

Шу куни 10 гектарлик Шароф Рашидов хиёбонида барпо этилган оталар чойхонасининг очилиши маросими бўлди. Миллий усулда барпо этилган катта икки қаватли чойхона Шароф Рашидовнинг халқимиз орасида машҳур асарларидан бўлган «Ғолиблар» романининг номи билан аталган. Шу куни бу ерга ташриф буюрган фахрий меҳмонлар, кекса чўлқуварлар Ш. Рашидов хиёбонига эсдалик учун дастлабки кўчатларни ўтказдилар.

Ш. Рашидов районидаги тантаналар, ўйин кулгулар ва бошқа маросимлар кун бўйи давом этди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛМАОТАДА БЎЛИБ ЎТГАН УЧРАШУВДА ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ ТОЖИКИСТОНДАГИ УРУШНИ ТЎХТАТИШНИНГ АМАЛИЙ ЙЎЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШДИ

Тожикистондаги аҳволни шошилинч равишда муҳокама қилиш, қирғинни тўхтатиш юзасидан аниқ чоратадбирларни ишлаб чиқиш учун Олмаотага йиғилган давлат бошлиқларининг учрашуви тез тугаган бўлса ҳам, жуда самарали бўлди.

Газетамизда илгари хабар берилганидек, бу учрашув 4 ноябрь куни Олатов этагидаги ҳукумат биносида бўлди. У Тожикистон раҳбариятининг илтимосига биноан ўтказилди. Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбоев, Қирғизистон Президенти А. А. Акаев, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири А. В. Козирев ва Тожикистон Республикасининг Президенти вазифасини ижро этувчи А. И. Искандаров қатнашдилар.

... Энди бундай давом этиши мумкин эмас. Давлат раҳбарларининг ёпиқ тарзда ўтказилган суҳбати умумий руҳини лўнда қилиб шундай таърифласа бўлади. Куни кеча гуллаб-яшнаб турган тоғли ўлкада минг-минглаб гуноҳсиз қурбонларни, ўн минглаб қочоқларни кўриш мумкин, давлат ҳокимияти бутунлай издан чиқиб, ақидапарастларнинг бедодлиги тобора кучайиб бормоқда. Бу учрашув ўтказилишини кўпданоқ кутган эдик. Баъзи оммавий ахборот воситалари мазкур учрашув ҳафтанинг бошларида ўтказилиш лозимлигини хабар қилишгани маълум. Аммо улар шошқалоқлик қилишган эди. Бу хусусда президентларнинг ўз фикри бор эди.

Бир талай мураккаб, сиёсий жиҳатларни ҳал қилиш зарурлиги маълум бўлиб қолди. Аввал Президент Ислом Каримовнинг шахсий вакили Эронга бориб, у ерда мамлакат раҳбариятининг Тожикистон Республикаси ички ишларига аралашмаслик ҳақидаги ваъдасини олиб келди. Учрашув арафаси 4 ноябрь куни Теҳрондан қайтган Нурсултон Назарбоев Эрон Ислом Республикасининг Президенти Али Акбар Ҳошими Рафсанжони билан ҳукуматлараро битим имзолади, ўша муҳим жиҳат битимда алоҳида банд тарзида писанда қилиб қўйилди.

Хўш, Олмаотада қандай масалалар муҳокама қилинди? Аслида бу масалалар бирдоқарқушлик урушини тўхтата оладиган чора-тадбирларнинг бутун бир мажмуидан иборат. Қон тўкишни тўхтатиш, Тожикистондаги турли гуруҳлар, партиялар ва ҳаракатлар вакилларининг музокара бошлаши — бош масаладир. Нурсултон Назарбоев журналистлар ҳузурида сўзлаган нутқида айтганидек, мустақил давлатнинг ишларига ташқаридан ҳарбий аралашувга йўл қўйиб бўлмайди. Бироқ, давлат ҳокимияти бутунлай издан чиққан бир шароитда фақат тинчликсевар кучларгина қирғинни тўхтатиши мумкин. Буни англаган ҳозирги Тожикистон раҳбарияти ҳам ёрдам сўраб, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Россия Федерациясига мурожаат этди. Шу муносабат билан бу ерда Россиянинг Тожикистонда жойлаштирилган 201-дивизияси алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланмоқда. Дивизия тўла-тўкис бетараф турибди, унинг шахсий таркиби ўз ихтиёрида ва сабр-матонати билан барқарорлаштирувчилик вазифасини ўтамоқда. Шу сабабли мазкур қисм негизида ҳамдўстликнинг коллектив хавфсизлик кенгаши таркибига кирувчи давлатлардан иборат тинчликсевар кучлар тузиш зарур, деб топилди. Дивизияни иккала томонга бўйсундириш ҳақидаги таклифни давлат бошлиқлари ҳозирги вазиятда ноўрин деб топдилар.

Тожикистоннинг Афғонистон билан чегаралари масаласида ҳамма томон якдил бўлди: бу чегараларни зўрлик билан мустаҳкамлаш зарур. Бунинг учун ҳамма имкониятлар борлиги равшан.

Давлат ҳокимиятини тиклаш энг мураккаб ва нозик муаммо бўлиб келгани ва шундай бўлиб қолаётгани табиий. Айни мазкур ҳокимиятнинг йўқлиги оқибатида мана шу мудҳиш бедодлик бошланган эди. Учрашувда шундай қарор қабул қилинди: Тожикистон Республикасининг Президенти вазифасини ижро этувчи А. Искандаровнинг таклифи асосида тоғли мамлакатда Давлат кенгашини тузиш зарур, унинг таркибига ўзаро курашаётган барча партиялар, ҳаракатлар, гуруҳлар ва минтақаларнинг вакиллари киритилиши лозим. 20 ноябрдан кечиктирилмай, Тожикистон Олий Кенгашининг сессияси ўтказилиб, унда Давлат кенгашининг таркиби тасдиқланиши, унга расмий мақом берилиши лозим. Журналистлар билан учрашувда президентлар таъкидлаб ўтганларидек, агар зарурат туғилса, улар сессия ишида шахсан қатнашишга тайёрдирлар. Шундан кейин эса миллий иноқлик ҳукумати бутун ҳокимиятни қўлга олиши керак.

Ҳозирча қўшни республикага Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси президентларининг расмий вакиллари сифатида ташқи ишлар вазирларининг ўринбосарлари юборилади. Улар мутахассислар гуруҳлари билан биргаликда инсонийлик ёрдами — озиқ-овқат, ёқилғи-мойлаш материаллари, дори-дармонни тақсимлаш билан шуғулланадилар, бошқа масалаларни ҳал этишда Тожикистон раҳбариятига кўмаклашадилар.

Тожикистонда содир бўлган воқеаларни олдиндан пайқаш мумкин эди, — деб ҳисоблайди Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов. — Кўп минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган биродаркушлик урушини маҳаллий можаро деб бўлмайди. Бу фожиали воқеалар Ўрта Осиё —Қозоғистон минтақасигагина эмас, Россияга ҳам салбий таъсир ўтказиши мумкин. Қўшни республикада қалтис аҳвол вужудга келди. Бинобарин, у ердаги вазиятни биргаликдаги куч-ғайратлар билангина барқарор этиш мумкин. Афсуски, ижтимоий фикрни шакллантиришга бир қанча оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳам салбий ҳисса қўшдилар. Сўнгги вақтгача журналистлардан ҳеч ким у ерда рўй бераётган воқеаларни аниқ ва вазмин таҳлил эта олмади. Бунинг устига, муҳолифатчиларни «Ислом демократлари» деб атадилар. Бу демократларнинг қилғиликларини ҳозир ҳамма кўриб турибди. Улар халқнинг хоҳиш-иродасига зид равишда минглаб бегуноҳ кишиларнинг қони устида ақидапарастлик давлатини барпо этишмоқчи. Олмаота учрашувига баҳо бериладиган бўлса, уни ишонч билан муваффақиятли учрашув деса бўлади. Бир неча соат мобайнида биз бир неча мураккаб масалани ҳал этдик.

...Шундай қилиб, Олмаотада олий даражада ўтказилган салкам уч соатлик учрашув Тожикистондаги фуқаролар урушини тўхтатишнинг амалий истиқболларини очди. Энди ҳамма нарса белгиланган чора-тадбирлар нақадар тез ва самарали турмушга татбиқ этилишига боғлиқ. Ҳозирча ловиллаб турган республикага Андрей Козирев йўл олди. Унинг вазифаси мураккаб — 201-дивизиянинг шахсий таркиби билан, у ерда қолган русийзабон аҳоли билан учрашади. У одамларга бундан буёнги хавфсизлиги ҳақида кафолот бериши керак. Чамаси, энди бу кафолотлар бир неча кун аввалгидек, жуда омонат эмас.

Л. ЛЕВИН,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг махсус мухбири.
Олмаота.

МУШТАРИЙ: ХАБАР ҚИЛАДИ:

ТИББИЙ БРИГАДАЛАР

Онолик ва болаликни муҳофаза қилишга онд бугунги ўткир муаммолар соғлиқни сақлаш ходимлари ва вилоят Болалар жамғармаси билан ҳамкорликда тиббий бригадалар ташкил этишни тақозо этмоқда, 1989 йилда бошланган хайрли ишлар ҳам бир маромда олиб борилаётир. Бу тиббий бригадаларда энг тажрибали шифокорлар фаол иштирок этмоқдалар. Бундай тадбирларнинг айни шу паллада ўтказилишининг боиси ошқозон-ичак заҳарланиши билан боғлиқ хасталиклар, гепатит, зотилжам сингари касалликлар сезиларли тарқалганлигидадир.

Тиббий бригадалар фаолиятининг қай тарзда олиб борилаётгани вилоят болалар ўлимининг олдини олиш бўйича тузилган штабнинг Олот, Бухоро, Ғиждувон, Вобкент, Жондор, Қоракўл туманларида ўтказилган кўчма кенгашларда муҳокама қилиниб, болалар ўлимини камайтириш, онолик ва болаликни муҳофаза этишга қаратилган тиббий ёрдамни янада кучайтириш масалалари кўрилди. Бу инсонпарварлик ҳаракатида фаол иштирок этган тиббий ходимлар Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси вилоят бўлими томонидан муносиб тақдирланмоқдалар.

А. МУЗАФФАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси Бухоро вилоят бўлими раиси.

...МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ

ШОГИРДЛИК КАЛОМИ

Тошкент давлат дорилфунуни тупроқшунослик факультетининг IV курсида таҳсил оламан. Бизда ҳар ғал ёзги таътил олдидан талабаларнинг тажриба-синов ишлари бўлиб ўтади. Мен ҳам шу йил Қашқадарё вилоят пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Касби (собиқ Ульянов) филиалида бўлдим. Халқимизда «Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши» деган мақол бор. Дала шароитида олиб бориладиган ҳар кунги ишларимиз тажриба участкасидаги ғўза навларини текшириш, уларнинг ўсиши, ривожланишини ўрганиш билимларимни мустаҳкамлади. Мени қувонтирган нарса шу бўлдики, бу институтда ўз касбининг устаси, меҳнатсевар, қалби тоза инсонлар талайгина экан. Уларнинг қимматли маслаҳатлари, кўрсатган ғамхўрликлари менда ўз касбимга янада қизиқиш уйғотди.

И. ҚОБИЛОВ,
ТошДУ талиби.

Олмагул Сапарованинг Нукус тикувтрикотаж фабрикасида иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Лекин у қисқа вақт ичида касб сирларини пухта эгаллаб, сифатли маҳсулотлари билан харидорлар ҳурматига сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: моҳир тикувчи О. Сапарова.

* * *

Марҳамат районидаги Охунбобоев номли давлат наслчилик хўжалигида чорвачиликка алоҳида эътибор берилаётир. Хўжалик ҳозиргача гўшт ва сут топшириш йиллик режаларини ошириб бажарди. Айни пайтда бу ерда зотдор бузоқлар боқилиб, қўшни хўжаликлар чорвадорларига етказиб берилмоқда.

СУРАТДА: давлат хўжалиги директори Й. Маҳмудов ва тажрибали бузоқбоқар А. Акбаров.

Б. АЛЛАШОВ ва К. ЮСУПОВ олган суратлар.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ЎЗБЕКИСТОН ҳаво йўллари

UZBEKISTAN airways

«АВИАБРОК» — фирмасининг транспорт-кира қилиш компанияси

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» АВИАКОМПАНИЯСИНИНГ САМОЛЕТЛАРИДА

ТОШКЕНТГА — ЖАҲОНДАГИ ИСТАЛГАН МАМЛАКАТДАН,

ТОШКЕНТДАН — ЖАҲОНДАГИ ИСТАЛГАН МАМЛАКАТГА ЮКингизни ЕТКАЗИБ БЕРАДИ

ЮКНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ — 10 ТОННА

КИРА ҲАҚИ — ЖАҲОНДАГИ НАРХЛАРДАН АРЗОН:

Манзилгоҳимиз: 700015, Тошкент. Полторацкий кўчаси, 73-«В» уй.

Телефон: 54-77-19, факс: 54-77-18.

Ҳозирги Тожикистондаги сиёсий кучларнинг жойланиши қурама манзарани эслатади. Партиялар, блоклар ва ҳаракатлар ўртасидаги аниқ фарқни фаҳмлаб олиш амри маҳол.

ҚУРОЛ КИМДА БЎЛСА, ҲОКИМИЯТ ҲАМ ЎШАНДА

Уларнинг баъзилари бир вақтлар ўз дастурлари ва баёнотларида таърифланган олий мақсадларини бутунлай унутиб, кўпроқ шу дамдаги вазиятнинг ривожланишига қараб ҳаракат қилмоқдалар. Халқчил шиорлар ўрнини автоматлар олди, кимки қўшилмаса, пешонасидан отилади.

Республикада демократия ҳаракатини бошлаган, халқни миллий ўзлигини англашга ундаган «Растохез» қайта қуриш даврининг илк халқ ҳаракати эди. Ҳозир эса у бедодлик ва қирғин қаршисида саросимага тушиб қолди. Чамаси, унинг саркори Тоҳир Абдужаббор ва ҳаракатнинг асосий ўзагини ташкил қилувчи зиёлилар бунга интилмаган, бунинг учун курашмаган бўлсалар керак. Унинг сиёсий рақиби — Компартия эса август воқеаларидан кейин шу пайтгача гангиб турибди, унинг тайинли нуқтаи назари бўлмаганлиги сабабли довулли денгизда чайқалиб турган қайиқни эслатади. Кўпгина собиқ партия тўралари дарҳол муҳолифат тарафига ўтиб кетишди ва энди ҳамма гуноҳни Компартияга тўнкаб туришибди.

Тожикистон Демократик партияси шу йилнинг май ойидан буён дами чиқмай қолди. Собиқ Демпартия, Ислом партияси ва Қозият (мусулмонлар диний бошқармасининг бўлими) муҳолифчи ислом кучларининг ягона блокига бирлашиб олдилар. Уларнинг мақсади ҳокимиятни зўравонлик билан қўлга олишдан иборат. Сиёсий руҳдаги бир қанча маҳаллий уюшмалар уларга ёндашади. «Лаъли бадахшон» уюшмаси буларнинг энг каттасидир. Бироқ, мазкур уюшма аста-секин Ислом партияси таъсиридан чиқиб, энди мустақил сиёсий куч эканини даъво қилмоқда.

Яқиндагина ташкил этилган Эркин меҳнат партияси сиёсий раҳнамоликни қўлга олиш учун жиддий имкониятларга эгадир. Янги бозор тузилмалари, кўпгина саноатчилар унга далда бериб туришибди.

Маҳаллий сулолалар сиёсий вазиятга таъсир ўтказувчи иккинчи муҳим омилдир. Узоқ вақтгача республиканинг олий раҳбарияти асосан Ленинобод вилоятининг вакилларидан иборат бўлиб келди. Бунинг ўз сабаблари бор эди: вилоятда турмуш даражаси нисбатан юқори, иқтисодиёт ривожланган, ҳарбий саноат комплекси ҳам шу ерда марказлашган. Ниҳоят, унинг иккқўшни республика билан алоқаси яхши йўлга қўйилган. Адолат юзасидан айтиш керакки, ленинободлик кадрлар орасида фаҳм-фаросатли ва қобилиятли кишилар кўп. Бироқ, бора-бора вилоятда бир неча қудратли сулолалар кўзга ташланиб қолди, улар ўзларининг мумтозликларига ишониб, ўз одамларини юқорилавозимларга ўтказа бошладилар, бундайлар орасида ҳатто бенуқсон бўлмаган кишилар ҳам бор эди. Раҳмон Набиев раҳбарлик қилган даврда ҳам бундан истисно эмас эди. Мана шундай бир шароитда республика жанубининг қашшоқ ва ночор ҳолати бу ердаги аҳолини ранжитмай қолмас эди.

Май ойида Душанбедаги Шаҳидон майдонида бошланган митинг бир неча кун давом этди. Унинг бир жиҳати ленинободликларга қарши қаратилган эди. Ислом уйғониш партияси билан руҳонийлар вазиятдан устомонлик билан фойдаландилар. Айни шулар Ғарм туманлари гуруҳини, баъзи бадахшонликларни оёққа турғазиб, улардан ҳокиматни босиб олиш мақсадида фойдаландилар.

«Кўлоб феномени» деб аталган ғалати ҳодиса нималигини ҳали билиб олмоқ керак. Баъзи кишилар айтаётганидек, кўлобликлар президент учун курашмаяптилар, деб ўйлаймиз. Чамаси кўлобликлар ислом муҳолифати нималарга олиб боришини бошқалардан эртароқ фаҳмлаб олдилар. Улар инсонларча яшаш ҳуқуқи учун, қонун ва Конституция учун курашмоқдалар. (Аммо уларнинг баъзилари бу ишни ториқлик маданий усуллар билан қилишмаяпти). Ислом ақидапарастлари кўлобликларни тез чўктиришга уринмоқдалар. Отиб ташламоқдалар, энди очдан ўлдирмоқчи бўлмоқдалар.

Тожикистонда кўпданоқ ҳокимият йўқ. Республикани кўч бошқармоқда. Бу — қурол кучи, мушт кучидир. Қурол кимда бўлса, ҳокимият ўшанда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ НЕГА ЁЛҒОН ГАПИРАДИ!

Ҳозирги пайтда тожик «Халқ» телевидениесини аҳолининг камдан-кам қисми кўради Телевидение кичик сиёсий гуруҳнинг мулкига айланиб қолди. Телекўрсатувларнинг асосий қисми Эрон телевидениесининг янгиликлари, дин арбобларининг чиқишлари, Эрон мадҳи, «кўлоблик каллакесарлари» рус империяси ва пантуркизм хавфи, ҳаммани қириб ташлаши мумкин бўлган коммунистлар хавфи каби мавзулардан иборат. Май ойида ислом ақидапарастлари радио ва телевидениени эгаллаб олишлари биланоқ журналистлар, сиёсий сабабларга кўра муҳолифларга мос келмаган ҳамма кишилар ҳайдаб юборилди. Радио ва телевиденидан кимни ҳайдашни дин арбоблари айтиб туришди, уларнинг вакили телевидениеда мустаҳкам жойлашиб олиб, бош цензурачи ва ходимлар бўлимининг вазифасини бажарди. У билан келишилмай бирорта кўрсатув ҳам, бирорта материал ҳам эфирга чиқмайди.

Ислом тикланиш партияси ва дин арбоблари ҳақиқатдан қўрқадилар. Ўзбекистон телевидениеси ислампарастларнинг Қўрғонтепа вилоятидаги вахшийликлари ҳақидаги видеомавзуни кўрсатди. Телерадиокомпания қилган жанжални кўринг! Бу пантуркчиларнинг иши, мустақил давлатдай ботинишади, деб жар солди. Тожикистондаги ҳозирги воқеалар ҳақида ҳамма гапиряпти. Фақат тожик телевидениеси гапирмаяпти, холос. Халқ ҳақиқатдан хабардор бўлмаслиги учун ҳолисона хабар тарқалиши мумкин бўлган ҳамма йўллар беркитиб қўйилмоқда. 28 октябрь куни Россия телевидениесининг Душанбедаги мухбирлар жойи беркитиб қўйилди.

УЧИНЧИ КУЧ — АФСОНА

Душанбеда Президент саройини эгаллаш ва одамларни гаровга ушлаб қолиш билан боғлиқ асосий воқеалар бошланган 31 август куни «учинчи куч» тўғрисидаги хабар Тожикистондаги воқеликдан бехабар кишиларнигина ажаблантириши мумкин эди. Айни шу куни ҳукуматнинг қарорига биноан Президент саройининг катта залида тожиклар жаҳон анжуманига тайёргарлик кўриш учун вазирликлар ва ташкилотлар раҳбарларининг кенгаши чақирилган эди. Кенгаш тугаши биланоқ жангарилар саройни ўраб олишди. Бинодан камдан-кам киши чиқиб кетишга муваффақ бўлди. Айрим йўловчилар шу пайтда Президент саройининг баланд панжаралардан вазирлар ва юқори мартабали амалдорлар сакраб ўтишаётганини кўриб ҳайрон бўлишди. Бу тузоқ олдиндан режалаштирилган ва пухта тайёрланган эди, буни тушуниб етиш қийин эмас.

Ҳеч қандай «учинчи куч» йўқ эди ва бўлган ҳам эмас. Улар яна ўша шахслар: ислом тикланиш партияси, қозият ва демократик партиядан иборат эди. Бош вазирнинг икки ўринбосарларини уларнинг кабинетларидан ушлаб кетишди, шу пайтда улардан бирининг ҳузурида Кўлоб вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари Сангов ўтирган эди. Бир неча соатдан сўнг у вахшийларча қийнаб ўлдирилди. Қуролли жангарилар Вазирлар маҳкамаси ва Президент девони ходимларини шу ердаги заллардан бирида уч кунгача ушлаб туришди, тунлари уларнинг айримларини қандайдир ертўлаларга олиб бориб, қийнаб сўроқ қилишди. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Ж. Каримовни қамаб қўйишган мачитлардан бирида уни уч марта девор ёнига тикка турғазиб қўйиб, автоматдан ўқ узиб отиб ташлаётгандек тепкини босишди. Эндигина Тожикистоннинг БМТдаги элчиси этиб тайинланган 60 яшар Л. Қаюмовни роса қийноққа солишди. Наша чекиб олган ва маст-аласт ёшлар Президент саройида гаровга ушлаб турилган кишиларни Тожикистон учун нима иш қилгани ҳақида ҳисоб беришга мажбур қилдилар, тунлари эса ухлаб қолмасликлари учун уларнинг бошидан совуқ сув қуйдилар.

ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯ ЭНДИ ЙЎҚ!

Шодмон Юсуфнинг бу воқеаларга демократик партиянинг ҳеч қандай даҳли йўқ деган гаплари ёлғондан бошқа нарса эмас. Юсуф унинг демократик партиядаги ўринбосарларидан бири шу пайтда Душанбе гўшт комбинатидан узоқ бўлмаган жанубий кўрғондаги мачитда жангариларнинг ҳаракатига бошчилик қилаётганини билмаслиги мумкин эмасди. Бу мачитда гаровга ушлаб турилган кишиларни таҳқирлашаётган эди. Айни шу ўринбосар автоматни ўқталиб, ҳаммангни отиб ташлайман, деб дўқ қилаётган эди.

Демократик партия ташкил топгандан сўнг дастлабки ойларда республикада демократия жараёнларини ривожлантириш учун кўп иш қилганлиги шубҳасиздир. Бироқ тожик демократларининг аҳволи ачинарли даражада эди: Россиядан нусха олинган демократия ғоялари унча маълумотли бўлмаган, қашшоқ аҳволга тушиб қолган деҳқонларга бутунлай ёт эди. Тожикларнинг ва бошқа тилда сўзлашувчи аҳолининг кўп қисми «демократлар»ни қўллаб-қувватламади.

Ҳозирги пайтда Тожикистонда Демократик партиянинг ўзи йўқ деган таҳминни айтишим мумкин. Бугунги кунда бу номдан қонун даражасига олиб чиқилган ғайриқонуний ҳаракатларни яшириш учун фойдаланилмоқда. Жангариларнинг «Ватанни қутқариш штаби» деб аталган гуруҳи мавжуд, уни ёзда Шодмон Юсуф тузган. Айни шу штабдан бир гуруҳ кишилар Раҳмон Набиевни қўлга олиш учун жўнаб кетган, Тожикистоннинг Бош прокурори Нурулло Хувайдуллаев ўлдирилгандан сўнг ярим соат ўтгач, айни шу штабга иш уддаланганн ҳақида хабар келган.

ҚОЗИКАЛОННИНГ ИККИ ЮЗЛАМАЧИЛИГИ

Тўрт-беш ой муқаддам Тожикистонда энг машҳур кишилар кимлар деб сўрасангиз, биринчилар қаторида Қозикалон Ҳожиакбар Тўражонзоданинг номини айтган бўлур эдилар. Бирорта республика газетаси уни эътиборсиз қолдирмади. Яқин атрофдаги хорижда ҳам, олис хорижда ҳам Қозикалон билан қилинган суҳбатлар газеталарда босилиб чиқмоқда. «Демократ», «маърифатли», «доно», «тажрибали», «яхши суҳбатдош» деган сўзлар Тўражонзодага бағишланган хабарларда тез-тез учраб туради. Маълум даражада газеталар ҳақ: Тожикистон мусулмонларининг олий диний раҳбари ҳамма нарсани ҳисобга оладиган нозик ва айёр сиёсатчи бўлиб, Президент ва унинг атрофидагиларда айни шундай фазилатлар етишмас эди. Тўражонзоданинг мухбирлар билан «очиқ-ошкора» суҳбатларида айтган гапларига ишонмаслик керак. У қанчалик яширишга уринмасин, халқнинг кўпчилиги хоҳламаса ҳам, Қозикалон тоталитар ислом давлатининг ашаддий тарафдоридир.

Тўражонзода ёз пайтида Олий Кенгаш Раёсатининг мажлисида айрим кишиларни қўриқлаш учун қўйилган соқчиларни олиб ташлашни талаб қилди, унинг ўзини ва Шодмон Юсуфни эса 20 нафар қуролли соқчилар қўриқлар эди. Бир неча кун ўтгач, Бош прокурор ўлдирилди, Тўражонзоданинг талаби билан Бош прокурор қўриқчилари олиб ташланган эди. Оммавий ахборот воситаларида вақти-вақти билан Қозикалоннинг Гулбиддин Хикматёр билан алоқалари тўғрисидаги хабарлар пайдо бўлиб турибди.

Ҳозир Тўражонзода ихтиёрида ҳамма нарса: пул (яқинда қозият банки ташкил этилди), қуролли гуруҳлар (у эътироф этмаган бўлса ҳам), ташкилий тузилмалар бор. У Тожикистоннинг деярли барча оммавий ахборот воситаларини ўз қўлига олган.

Ўтган йили Қурбон ҳайити арафасида у кўп газеталарнинг муҳарририятларига бориб, журналистларга пул мукофотларини ўз қўли билан топширди. Муҳолифиятдаги газеталарнинг айрим муҳаррирлари ва журналистларининг ҳаж қилиш учун Макка шаҳрига бориш харажатларини қозият тўлади. Лекин Душанбедаги вазият май воқеаларидан кейин ва август ойида Бош прокурор ўлдирилгандан сўнг Тўражонзода зарарига бирданига ўзгариб кетди. Кўлобликлар ва прокурор тарафдорлари ўч олишга қасам ичдилар. Қозикалон турли квартираларда тунашга мажбур бўлди, унинг қуролли соқчилари икки баравар кўпайди. Лекин у умидини узгани йўқ. Тўражонзода ҳозир Тоғли Бадахшон аҳолисини ўз томонига оғдириб олишга ҳаракат қилмоқда, у ерда ислом ҳеч қачон кучли илдиз отган эмас. Бундан ташқари бадахшонликлар Тожикистон аҳолисининг озчилигини ташкил этади ва шиа мазҳабига мансубдир. Республика аҳолисининг кўпчилиги эса исломнинг суннийи мазҳабида. Лекин бу Тўражонзоданинг мусулмон шиалар раҳбари Оғахоннинг шахсий вакили билан биргаликда Бадахшонга боришига тўсқинлик қилмади. Кўплаб помирликларни жангарилар отрядларига ёллашди. Шу сафардан кейин қозикалон энг содиқ мўмин мусулмонлар Тоғли Бадахшонда яшайдилар, деган гапни қилди.

ПАРТИЯ БИЛЕТЛИ ИСЛОМ

Ислом тикланиш партияси ҳозирги пайтда чинакам сиёсий куч бўлиб, республикага бўйсинувчи бир қанча районлардаги ва Қўрғонтепа вилоятидаги деҳқонларнинг кўпчилик қисми шу партиянинг таянчидир. Партиянинг йўлга қўйилган ташкилий тузилмалари, бир неча минг нафар қуролли жангарилари бор. Жангариларнинг кўпларининг ўтмиши жиноят билан боғлиқ. Ислом партияси ўтган йилнинг бошларида Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига мурожаат қилиб, хайрия ишларини олиб бориш мақсадида партия аъзоларининг қамоқхоналарга киришларига рухсат беришни илтимос қилди. Чамаси жанговар гуруҳларга номзодлар турмалардан саралаб олинди. Президент саройида одамларни гаровга ушлаб қолиш операциясига таниқли рэкетчи, илгари судланган Исмат бошчилик қилганлиги ажабланарли эмас. Қозият ўз мачитларини ислом партияси ихтиёрига бериб қўйди. Ислом тикланиш партияси ҳамиша ишга шай, тез ҳаракат қилади, пухта тайёргарлик кўрган мафкурачилари, давлат муассасалари ва ҳукумат тузилмаларида синалган ахборотчилари бор. Партиянинг ҳаракатларига қараганда, у фақат куч ишлатишни тан олади: телемарказни эгаллаб олиш, миллий хавфсизлик комитетини босиб олишга уриниш, одамларни гаровга ушлаш ва қатъий талаблар қўйиш шуни кўрсатиб турибди. Икки ҳафта муқаддам мулло Абдуғаффор жангарилари билан биргаликда Душанбедаги 8-мактабда болаларни гаровга олишдан ҳам ҳазар қилмади.

Ислом тикланиш партияси пойтахт аҳолисини қўрқитишга муваффақ бўлди, кўпгина давлат тузилмалари ишини фалаж қилиб қўйди. Партия раҳбарлари, шунингдек Қозикалон ҳам, Ш. Юсуф ҳам Эронда олий раҳбарлар томонидан қабул қилинди, ҳозир улар бошқа мамлакатлардаги ислом ташкилотлари билан алоқа ўрнатмоқдалар. Ислом партиясининг мафкурачилари — исломнинг радикал сиёсий шакли тарафдорлари —ақидапарастлардир. Партия раисининг ўринбосари Давлат Усмон май ойида Бош вазирнинг ўринбосари лавозимини эгаллагач, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини қаттиқ назорат остига олишга уринмоқда.

ТИНЧЛИКСЕВАР КУЧЛАР — АСОСИЙ УМИД

Ҳозир республикада мужмал вазият вужудга келди. Муҳолифатнинг зўравонлик билан ўтказган тазйиқи ва ўзининг кечириб бўлмас хатолари таъсирида Р. Набиев истеъфога чиқди. Истеъфони қонунлаштириши лозим бўлган Олий Кенгашнинг сессиясини чақириб бўлмаяпти: ленинободлик ва кўлоблик депутатлар, Душанбега боришдан чўчимоқдалар, уларнинг ҳаммалари турли вақтларда гаровга олинган эдилар, иккинчи бор ўз тақдирларини таҳлика остига қўйгилари келмаяпти. Президент вазифасини ижро этувчи А. Искандаров ва унинг одамлари сессияни Хўжанда ўтказишдан манфаатдор эмаслар. Ҳокимият йўлкаларида ғайриконституциявий давлат кенгаши, сўнгра эса хавфсизлик кенгаши тузилди. Қозикалон билан Ш. Юсуф собиқ ғалла маҳсулотлари вазири А. Абдулложоновни Бош вазир лавозимига ўтказиб олдилар. Уч ой муқаддам муҳолифат Абдулложоновни порахўрликда ва пиҳона иқтисодиёт билан алоқаси борликда айблаб, уни «Нон» концерни раҳбари лавозимидан бўшатишни Набиевдан талаб қилган эди. Ўша кунларда муҳолифатчи газеталар Абдулложоновни «Наҳанг» деб атаганлари бежиз эмас. «Наҳанг»ни жуда юқори лавозимга кўтариш ғояси жўн. У ўзининг мансабдор ҳомийси —Набиевга биринчи бўлиб хиёнат қилган қудратли Ленинобод сулоларидан бирининг вакилидир. Мулложонов қиёфаси кўлобликлар билан ленинободликлар ўртасига нифоқ солишга ёрдам беради ва ленинободликларни итоатгўйроқ қилиб кўяди.

Ислом ақидапарастларининг Москвадаги элчиси лавозимига кўрсатган номзоди Ш. Юсуф яқинда Россия пойтахтига етиб келди. У Россия дипломатлари, ҳарбийлари билан, партиялар ва ҳаракатларнинг раҳбарлари билан учрашувларда Тожикистонда рўй бераётган ҳамма воқеалар демократиянинг ғалаба қозонаётганидир, деб ишонтиришга уринди.

Россиянинг 201-дивизияси қўмондонлигига қарши фитна тўқилмоқда. Қирқ яшар генерал-майор тожик М. Ашуров бардам ва ҳарбий бурчига содиқ турибди. Агар унинг дивизияси бўлмаганида Қўрғонтепа алангаси аллақачон Душанбени ҳам ўт ичида қолдирган бўлур эди, албатта.

АҚИДАПАРАСТЛАРНИНГ НИЯТИ НИМА!

Улар демократик йўл билан ҳокимият тепасига чиқа олмасликларини жуда яхши тушунадилар, Тожикистон аҳолисининг кўпчилиги «демократ» ва «ақидапараст» сўзларини эшитганида жонсарак бўлиб қолади. Бутун фожиа яна шундан ҳам иборатки, улар ўз ҳаракатлари билан исломнинг обрўсини тўкиб, жиноятчилар билан бирлашиб кетиб, республиканинг ислом маданиятига табиий равишда кириш йўлини беркитиб қўйдилар.

Аслида республика минтақаларга парчаланди. Шимол аҳолисининг ажралиб чиқиш кайфияти ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Гарчи, Ленинобод вилояти маъмурлари ажралиб чиқиш тўғрисидаги масалани расмий равишда ўртага қўймаган бўлсалар ҳам, Душанбеда бу масала тилдан тушмаяпти. Бу ҳам — сиёсат. Шимол ислом ақидапарастларига ҳалақит бермоқда. Баъзилар ҳатто Ленинобод вилоятининг ажралиб чиқишига рози бўлишга ҳам тайёрдирлар. «Барибир шимолликлар тожикдан кўпроқ ўзбеклардир. Ҳақиқий тожиклар жанубда ва Афғонистонда яшайдилар» демоқдалар. Шу тариқа бўлғуси тожик давлатининг чегараларини аввалдан чизиб қўйиш мумкин.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Россия билан ва МДҲга кирувчи Ўрта Осиё давлатлари билан ҳар қандай алоқалар тўсиб қўйилмоқда. Мафкуравий ақидаларни деб, ҳатто иқтисодий қийинчиликларга рози бўлмоқдалар, ҳукуматга тазйиқ ўтказиб, нефтни Россиядан эмас, Эрондан сотиб олиш керак, демоқдалар. Эрон нефтни икки ҳисса қиммат сотишни ҳам эътиборга олмаяптилар. Туркия янги электрон алоқа ускуналарини етказиб берди, бунинг эвазига фақат ўз телекўрсатувларини Тожикистонда кўрсатишни сўради. Ислом тикланиш партияси алоқа вазирига қўпол тазйиқ қилиб: Туркия эмас, фақат Эрон керак, «туркпарастлар бизни босиб олишлари мумкин», деди. Ўрнатиб қўйилган ускуналарни олиб ташлашга мажбур қилдилар, турк мутахассислари ҳафа бўлиб жўнаб кетишди.

Агар ҳамма иш ислампарастларнинг режаларига мувофиқ борадиган бўлса, катта ёнғин чиқиши, бу ёнғин эса Ўрта Осиёда узоқ вақт ловиллаб туриши тайин. Агар бу ердаги мавжуд ҳудудий муаммолар эътиборга олинса, Тожикистондаги ислом ақидапарастларининг Эрон нусхасига қараб бичилган давлати бутун бир регионни портлатадиган детонатор бўлиб қолади.

Фаёз ҒАЛИМОВ,

(«ПРАВДА» газетасининг 4 ноябрь сонидан).

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АГАРДА СИЗ ПАХТАНГИЗНИ БАРТЕР АСОСИДА ФОЙДА БИЛАН СОТМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, ЎРНИГА АМЕРИКАНИНГ:

— энг янги агротехнологиясига;

—« ЛОГАН» ва «Джон Дир» фирмаларининг қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналарига;

— мева ва сабзавотлардан бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш заводларига;

— пахтанинг, картошканинг, маккажўхорининг ва бошқа экинларнинг элита уруғларига;

— бегона ўт, колорадо қўнғизи ва ҳар хил ўт касалликларга қарши кураш учун энг янги кимёвий воситаларга;

— ва ғарб фирмалари йирик мутахассисларининг кенгашларига

АЛМАШТИРИШингиз МУМКИН.

Бунинг учун «КОНСОРЦИУМ АВЭКС АГРОБИЗНЕС»га

МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

Ўзбекистон экспорт маркази павильонидаги «Пахта-92» кўргазмасидаги стендимиз олдида 9 ноябрдан 13 ноябргача кутамиз!

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2.

Тел: (3712) 394-809.

Факс: (3712) 394-813.

Ташкилот пахта толаси ва хом ашёсининг 4-, 5-типларини пул ўтказиш ва нақд пул тўлаш йўли билан сотиб олади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Қозоғистон Республикаси, Чимкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 114-уй телефонлар (32522) 3-85-87, 3-36-84,

(325) 62-35-55, 66-56-31.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Жумҳурияти Жамғарма банки бошқаруви жамоаси бошқарув раиси вазифасини бажарувчи Н. Ф. Муҳиддиновга отаси

Фахриддин МУХИДДИНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хорижий мамлакатларга эшиттиришлар республика радиоси жамоаси сухандон Шоиста Қодировага онаси

САОДАТ опанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси бошқаруви уюшма аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти, Бердах мукофотининг лауреати Нажмитдин Ансатбаевга онаси

Бибижамол ТУРИНБЕТ қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 9. XI

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Рекс—ҳайвон ўргатувчи», «Рекс—шифокор». Мультфильмлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Чолғу куйларидан концерт.
19.40 «Замондош билан учрашув». Қудрат Парпиев.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Шарқ дурдонаси».
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Лалварлик овчи». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Ляҳза». Хабарлар.
20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.25 «Ҳамшаҳарлар».
21.15 «Билиб қўйган яхши».
21.30 Исмоил Ғуломов куйлайди.
22.10 «Ляҳза». Хабарлар.
22.20 «Тўй айбланади». Бадиий фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИҒА!

Профилактика муносабати билан душанба, 9 ноябрь куни «Орбита IV» кўрсатувлари соат 6.50 дан 16.00 гача ЎзТВ I канали орқали намойиш этилади.

● «ОРБИТА IV»

6.50, 16.00, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.55 Эрталабки гимнастика.
7.10 Мультфильмлар.
7.55 «Якунлар».
8.40 «Кўринг, тингланг...».
9.00 «АБВГД — ЛТД» телесериалининг премьераси. 5 ва 6-сериялар.
9.50 «Сиз бунга қодирсиз».
10.30 «Око» студияси таништиради. «Тантанавор юриш». Телефильм премьераси («ЛСДФ» студияси).
11.40 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 17-серия.
12.05 «Сахалин-92». Болалар телевиденнеси ассоциацияси.
12.45 Киноҳақиқатми! «Буюк граждан». Бадиий фильм. 2-фильм. Танаффус пайтида (15.00) — Янгиликлар.
16.05 «Технодром».
16.15 «Николай Казаковнинг ушалмаган орзуси». Телефильм премьераси (Франция). 3-фильм.
17.15 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 4-фильм.
17.45 «Банкчининг ён дафтаридан».
18.15 «Оломоннинг бошида». Телефильм премьераси. 3-фильм — «Эгизаклар — опасингиллар».
18.45 Мультфильм.
18.55 «Иқболи кулганда».
19.35 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Севимли Раджа». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1-серия.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Севимли Раджа». Бадиий фильм. 2-серия.

«Янги студия»
таништиради

22.45 «Бомонд».
23.00 «Джем-сейшн».
23.25 «Бироқ».
23.35 «Биз».
23.40 «Вазият».
00.35 «Қинғир-қийшиқ эфир».
00.55 «Евгеник ва...».
01.05 «Оба-На». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.45 «Поезд икки дақиқа тўхтаб туради». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Маза, таътиллар. «Нотаниш йўлкаларда». Бадиий фильм.
9.30 «03» программаси.
10.00 «Олисдан эшитилиб турарди». Ҳужжатли фильм.
10.25 «Сиз яратган боғ».
10.55 «Ҳали англанмаган коинот».
11.25 «Келинг, жамулжам бўлиб...».
12.25 Ифодалаш санъати. «Мусаввирни қандай тасвирлаш мумкин?».
12.55 «Пилигрим».
13.40 «Маски-шоу».
14.30 «Бурда моден» танлиф этади...».
15.00 «Вариацияли мавзу». Тамара Гвердцители концертида.
16.00 «Сизнинг ҳуқуқингиз». 1-кўрсатув. В. Савицкий олиб боради.
16.55 «Тилла шпора».
17.25 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 Душанба куни детектив. «Транссибирь экспресси». Бадиий фильм.
20.30 «Қуён гўшти». Мультфильм.
20.40 Эълонлар.
20.45 Спорт кўрсатуви.
20.50 «Ҳақиқат онлари». Андрей Караулов саволларига Мария Миронова жавоб беради.
21.45 Криминал хабарлар экрани.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.

*

22.25—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Сешанба, 10. XI

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Вақтинчалик йўқолган». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Соғинч».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Спортлото».
19.25 Милиция ходимлари кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.
20.10 «Сато». Телефильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Дастлабки тергов». Бадиий фильм.
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Телефильм.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.30 «Алоқалар ва шартномалар».
20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.10 «02» тўлқинида.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 11.55, 15.20, 18.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 Футбол шарҳи.
10.35 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
11.15 «Рок-сабоқ».
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Саркаш дарё». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия — «Громовлар».
13.40 «Кескин бурилиш». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 Ишбилармонлар хабарномаси.
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 К. Вебер. «Оберон» операсига увертюра.
16.25 «Уолт Дисней таништиради...».
17.15 Бизнинг мусиқий клуб. «440 герц».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Футбол шарҳи.
18.55 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Миниатюра». Мусиқий кўрсатув.
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Комедиантлар». Бадиий фильм. 1-серия (АҚШ).
22.35 «Илҳом манбалари».
23.05 «Талаб қилинган кино».
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Кескин бурилиш». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Ҳақиқат онлари».
9.45 «Сиз яратган боғ».
10.15 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
10.30 «Келинг, қўлни-қўлга берайлик...». Н. Никитский.
11.45 Мульти-пульти. «Эзгулиқдан нима фойда?».
11.55 Кундузги сеанс. «Судланувчи». Бадиий фильм.
13.20 «Йўқолган қуён ҳақида иш». Мультфильм.
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.45 Телебиржа.
16.15 «Трансросэфир».
16.45 Янгиликлар.
17.00 Теннис. «Кремль кубоги».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 «К-2» таништиради: «Халқ фраки» «САС», «Асса». Бадиий фильм.

Чоршанба, 11. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Ёр ва диёр тароналари». Дилрабо концерт.
8.05 «Ошиқ Ғариб». Бадиий фильм.
9.20 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.50 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Геометрик оптика қонунлари.
11.00 «Асрлар оҳанги». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Жуғрофия. Ўрта Осиёнинг қўлларидаги ва ерости сувлари.
12.00 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қуён оғаникида ҳовли тўйи». Мультфильм.
18.30 «Дирижёр ҳикоя қилади».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Фармон ва ижро».
19.55 Дуторчи қизлар ансамблининг яккахони Раъно Бўронова куйлайди.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида.
21.30 «Мулоҳаза». «Маъмура кампир». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
22.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.00 «Кўринмас одам». Бадиий фильм.
00.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Жаҳон бўйлаб». Франция.
20.40 «Билим сарчашмалари».
21.10 «Уй-жойларни хусусийлаштириш».
22.00 Тижорат канали. «Ўзбекистон саноат қурилиш банки: кафолат ва меъёр».
22.10 «Кинотриада».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.50 Бизнинг мусиқий клуб. «440 герц».
11.30 «Ассоциация». Телефильм.
11.50 Мультфильм.
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Саркаш дарё». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия — «Анфиса».
13.40 «Ҳали қор ёғмасдан...». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 «Телемикст».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Майя ариси». Кўп серия ли мультфильм.
17.00 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
17.15 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Вагон-03».
19.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Кимёвий қурол сири».
20.00 «Капитан ҳали қайтиб келади. В. Фетисов билан учрашув».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Комедиантлар». Бадиий фильм. 2-серия.
22.40 «Останкино хит-паради».
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Ҳали қор ёғмасдан...». Телевизион бадиий фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 11 ноябрь куни «Дубль IV» кўрсатувлари соат 15.55 дан бошлаб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 «Сигнал».
16.10 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
16.55 Янгилинлар.
17.10 Теннис. «Кремль кубоги».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Бизнес ва сиёсат.
23.20 Спорт кўрсатуви.
23.25 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида.
23.40 Россия Конституцион суди залидан.
00.10 Теннис. «Кремль кубоги».

Пайшанба, 12. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Халқ куйлари». Телефильм.
7.55 «Соҳиллар». Бадиий фильм.
9.25 Турк тили.
9.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Рўзғор ташвишлари».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Илдиз—ўсимликларнинг асосий органи.
11.00 «Боболардан қолган бу наво». Фильм-концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. Ўрта Осиё ҳудудида феодал жамиятининг шаклланиши.
12.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Умид учқунлари».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Типратикан билан тошбақа». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Телеойнома».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ҳуқуқий давлат сари».
19.50 «Наштар». Ҳажвий киножурнал.
20.00 Сурхондарё вилояти Бойсун тумани «Шалола» ансамблининг концерти.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Малайзия киносанъати». Ўзбекистонда Малайзия киноси ҳафталиги якунларига бағишланади.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Отпускага чиқолмадик». Бадиий фильм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Бумеранг». Экологик кундалик.
19.40 «Мусиқий дақиқалар». Гулнора Назарова чалади.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.30 «Паҳлавоннинг қалби», «Кекса эртакчининг рубойилари». Мультфильмлар.
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Саркаш дарё». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия — «Хоинлик».
13.25 «Қора замбарак» билан содир бўлган можаро». Бадиий фильм (Хитой).

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Янги номлар». Концерт.
17.15 Болалар учун фильм. «Шарча эса учарди...».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Жамоатчилик фикри».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Бир қайиқда икковлон». А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари ҳақида.
21.40 Милиция кунига бағишланган концерт. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.20 «Қора замбарак» билан содир бўлган можаро». Бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Бизнес ва сиёсат.
9.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман».
10.00 «Тилла шпора».
10.30 «03» программаси.
11.00 «Иқтисодий ҳуқуқ».
11.30 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 98-серия
12.50 «Чашмалар».
13.20 Мульти-пульти «Ширин сайёра».
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

16.05 «Бозорни ўрганамиз»
16.35 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.55 Янгиликлар.
17.10 Теннис. «Кремль кубоги».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 «Тарих ва жуғрофиядан очиқ дарс».
23.10 Спорт кўрсатуви.
23.15 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида.
23.30 Россия Конституцион суди залидан.
24.00 Теннис. «Кремль кубоги».
00.30 «Шайтон васвасаси» Тенесси Уильямснинг «Миссис Стоуннинг Рим баҳори» қиссаси мавзуларига ёзилган фантазиялар.

Жума, 13. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Табиат—ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма.
8.25 «Полвон ва қизиқчи». Бадиий фильм.
10.00 Араб тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Ҳужайрада энергия алмашинуви.
11.00 «Тсмоша». Фильм-концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг ҳаёт тарзи ҳамда аҳамияти.
12.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Дўстлар». Мультфильм.
18.25 «Қадрият».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Тараққиёт омиллари».
19.50 «Хотира». Усмон Носир таваллудининг 80 йиллигига.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
21.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.15 «Эҳтиёт бўлинг, буви». Бадиий фильм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Дангасалар кўйлаги». Мультфильм.
18.15 «Байкем, Эжем жана биз».
18.30 «Ата журт». Телеканал.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Ата журт» (давоми).
21.00 «Ала-Тоо».
21.20 «Назар» (эълонлар, билдирувлар).
21.25 «Ата журт» (давоми).

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 «Қор тегирмон». Мультфильм.
10.25 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.15 «Замондошлари Л. Коган ҳақида».
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Саркаш дарё». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия — «Инқироз».
13.35 «Мушук Леопольднинг туғилган куни». Мультфильм.
13.40 «Деразадаги нур». Бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.00 Низомиддиновлар оилавий ансамбли ижро этади (Тошкент).
17.10 «Марказ».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Вагон-03».
18.50 «Ҳарбий ревю».
19.20 «Инсон ва қонун».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да. «Ҳукм этилган». Бадиий фильм.
23.00 А. Майкапар чалади (клавесин).

«ВИД» таништиради

23.15 «Сиёсий бюро».
23.50 «Музобоз».
01.05 «Ҳафтада танилган киши».
01.20 «Сталлоне-шоу». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Тарих ва жуғрофиядан очиқ дарс».
9.40 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
9.55 «Шайтон васвасаси». Тенесси Уильямснинг «Миссис Стоуннинг Римдаги баҳори» қиссаси мавзуларига ёзилган фантазиялар.
10.55 Вариацияли мавзу. «Тушкунликка тушманг, поручик Голицин ..».
11.50 «Қуён гўшти». Мультфильм.
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 99-серия.
12.50 «Чеховга меҳр-муҳаббат билан».
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.45 Телебиржа.
16.15 Трансросэфир. «Аҳволлар қалай, Уфа?»
17.00 Теннис «Кремль кубоги». «Олимпийский» спорт комплексидан кўрсатилади.
17.55 Эълонлар.

*

18.00—19.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.10 Жума кунлари Уолт Дисней. «Ёввойи Джек». Бадиий фильм. 2-серия.
20.00 «Иркит қуёнча». Мультфильм.
20.10 «Ҳар бир кун байрам».
20.20 Спорт кўрсатуви.
20.25 «Тор кўча». Бадиий фильм.
21.45 Криминал хабарлар экрани.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Монстр». Ҳужжатли телесериал премьераси (Россия—АҚШ). 1-фильм—«Сталин ва ҳонимият».

*

23.20—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Шанба, 14. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Одам-амфибия». Бадиий фильм.
9.35 Болалар учун телетеатр. «Уч ога-ини ботирлар».
10.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ўзингни эр билсанг...».
11.25 «Ўзбекистон спорти».
11.55 «Алифбо сабоқлари».
12.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
13.25 Тижорат канали. «Тараддуд». Телеочерк.
13.55 «Аёл қадри». Хоразм вилояти хотин-қизлари фаолиятига бағишланади.
14.40 В. Гюго. «Қиролнинг дилхуши». Видеоспектакль.

* * *

18.00 «Беодоб бола», «Кумуш қўнғироқгул». Мультфильмлар.
18.30 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Сумалак» рақс ансамблининг концерти.
20.00 «Уйимизда тинчлик, осойишталик бўлсин».
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ойдин кечалар».
22.00 Телевизион миниатюралар театри.
23.00 «Ишдаги ишқ можаро». Бадиий фильм. 1-серия.
00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

7.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

6.40, 21.20, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга». «Бамси». Кўп серияли мультфильм премьераси (Швеция).
9.25 «Уз-ўзингга мадад бер».
10.05 «Тарихий этюд». Д. Хармс асарлари асосида мультпамфлет.
10.10 «Шанба кунги дастхат».
10.40 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
11.10 «Услуб».
11.40 «Дело».
12.10 «Авиакосмик салон».
12.25 «Тасвирдаги суврати». И. Кириллов.
13.10 «Мусиқий дўкон».
13.40 «Мультпамфлет».
13.50 «Николай Казаковнинг ушалмаган орзуси». Телефильм премьераси. 4-серия.
14.50 «Матбуот-экспресс».
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Зазеркалье». «Қийшиқ кўзгулар қироллиги». Бадиий фильм.
17.10 «Мультпамфлет».
17.05 «Қизил квадрат».
17.45 «Дракулито — вампирча». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция).
18.10 «Бахтли тасодиф».
19.10 А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари. «Тулки ови».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 Элдар Рязанов ҳаётидан бир неча саҳифалар.
22.25 «Қойил».
3.45 «Рамонак» (Минск) фольклор триоси куйлайди.
24.00 Янгиликлар.
00.35 Охирги киносеанс. «Бурдалаковлар оиласи». Бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
8.50 Параллеллар. «Форте» болалар студияси ҳамон ишламоқда».
9.15 «Ислоҳот-блюз».
9.50 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.05 «Бумеранг».

*

11.50—15.00
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Ягона оилада».
«Ҳамдўстлик» кўрсатуви.
«Безнен мирас» (татар тилида).
«Цирк! Цирк! Цирк!».

*

15.00 Теннис. «Кремль кубоги».
15.45 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
16.30 «Кузирхоним».
17.00 «Чегарасиз футбол».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—19.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.40 «Америка юлдузлари».
20.10 «Ҳар бир кун байрам».
20.20 «Светик». Бадиий фильм.
21.35 Катталар учун мультфильм.
21.50 Спорт кўрсатуви.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Қарама-қаршиликлар».
23.05 «Ассорти». Мусиқий дам олиш томошалари.

*

23.35—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Якшанба 15. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Сулола». Иноможон Мамадалиев концерти.
7.40 «Фермерлар». Телефильм.

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Кўчатлар». Бадиий фильм.
10.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар».
12.10 «Саломат бўлинг!».
12.30 «Бозор иқтисодиёти йўлида».
12.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Олтин япроқча». Видеоканал.
14.45 Тижорат канали. «Қўлларим рулда». Тошкент шаҳарларараро автокорхонасининг 60 йиллигига бағишланади.

* * *

18.00 «Алдар Кўса», «Содиқ дўстлар». Мультфильмлар.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Телефильм.
19.30 «Мусиқа жавони».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 «Ишдаги ишқ можаро». Бадиий фильм. 2-серия.
23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевиденнесининг болалар студияси намойиш этади. Программада: «Хуш хабарлар»; «Жилаажин»; «Шоорой»; бадиий фильм; мультфильм.

* * *

18.05 «Бахил». Мультфильм.
18.15 Қирғизистон Республикаси Ёшлар уюшмасининг совриндори Эсен Нурманбетова куйлайди.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Театр учрашувлари» (рус тилида).
20.30 «Омурдук 80-жази-». Ҳужжатли телефильм («Қирғизтелефильм»).
21.00 «Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 4-серия (рус тилида).

● «ОРБИТА IV»

6.20, 19.05, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 «Ўрмон эртаклари». Мультфильм. 1 ва 2-сериялар.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 «Око» студияси таништиради: «Император Александр III ёдгорлиги ҳақидаги иш». Ҳужжатли фильм премьераси («Леннаучфильм»).
9.30 «Эрта саҳарлаб», «Денвер — динозаврларнинг энг охиргиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
10.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида».
10.30 «Тонг юлдузи».
11.20 «Пи» белгиси билан.
12.10 «Бармоқлар қандай аралашиб қолишди!» Мультфильм.
12.15 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 18-серия.
12.40 «Янги авлод танлайди».
13.30 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» каналлари таништиради: «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.40 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
14.30 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 5-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Технодром».
15.25 «Қойилмақом еттовлон».
16.20 «Уолт Дисней таништиради...».
17.10 «Телелоция».
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Саёҳатчилар клуби».
18.50 Янгиликлар.
19.10 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
19.50 «Биринчи матбаачи Иоаннинг ихтироси». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (М. Горький номли киностудия).
21.05 «Тоска» меъморчилик ёдгорликларида». РАИ телекомпаниясининг фильм-операси (Италия).
22.00 «Якунлар».
22.45 «Тоска» фильм-операсининг давоми.
00.05 Янгиликлар.
00.45 «Деразадаги нур». Бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Овсар бўри», «Иркит қуёнча». Мультфильмлар.
8.40 Рақс марафони.
9.25 Фольклор. «Номаълум маданиятлар».
9.55 «Олти сотих».
10.15 «Кироллиндаги саргузашт». Кўғирчоқ мультфильм. 12-серия.
10.45 «Ати-бати...».
11.15 Телекроссворд. «Мужбиржа».
11.45 «Дораэмон». Мультфильм премьераси. 10-серия.
12.00 Телевизион текширув бюроси. «Коррупция».

*

12.55—16.05
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Умид» (уйғур тилида).
«Бурч» кўрсатуви.
«Дўстлик экрани».
«Чисен» (корейс тилида)
«Қудратимиз — дўстликда».

*

16.05 «Чакана киши эмас».
16.30 «Познер ва Донахью».
17.00 «Ҳайвонот оламида».

*

18.00—20.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.15 Голливуд классик фильмлари фестивали. «Чангалзорлар китоби».
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Монстр». Ҳужжатли телесериал премьераси. 2-фильм—«Иосиф Сталиннинг махфий полицияси».
23.20 «Эс-Эн-Си» тунги клуби.
00.20 Спорт кўрсатуви.
00.25 Теннис. «Кремль кубоги».

«Тошкентдаги гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 6 ноябрь сонидан олинди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60,